



«ÚZLIKSIZ BILIMLENDIRIW SISTEMASÍNDA ARALÍQTAN OQÍTÍWDÍN INTEGRACIYASÍ»

atamasındağı IV Xalıqaralıq ilimiy-teoriyalıq konferenciya

РАҖАМЛИ СУВ ХҮЖАЛИГИ АХБОРОТ ТИЗИМ КОНЦЕПЦИЯСИДА ДОНОР ЛОЙИХАЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

Хайдаров. Ш.М.,
*Бизнес ва тадбиркорлик олий
мактаби магистранти*

Аннотация: В соответствии с концепцией развития водного хозяйства показан план мероприятий по развитию национальной информационной системы управления водными ресурсами и осуществлению координации донорских проектов.

Abstract: In accordance with the concept of water management development, a plan of measures for the development of the national information system for water resources management and the implementation of coordination of donor projects is shown.

Донор лойиҳалар ўртасида назорат ва мувофиқлаштириши амалга ошириш Концепциянинг умумий мақсадини рўёбга чиқаришга ва самарадорликни таъминлашга ҳисса қўшади.

Ўзбекистоннинг сув секторида турли АКТ элементларини амалага оширувчи донор лойиҳаларнинг ортиши билан, лойиҳар ўртасида мувофиқлаштириш ишларини ташкил этиш долзарб бўлиб қолди. Бундан ташқари, сув обьектлари кодини стандартлаштиришга оид ҳозирги муаммонинг кўплаб донорлар томонидан бирваракайига ҳал этилаётганлиги ҳавотирли саналади, чунки бу сув бўйича ахборот тизимларини йўлга қўйишда номувофиқликка сабаб бўлиши ва сув бўйича маълумотларни самарали бошқаришга тўсқинлик қилиши мумкин.

Марказий Осиёдаги донор лойиҳалар ўртасида теран мувофиқлаштиришнинг мавжуд эмаслиги ва уларнинг салбий оқибатлари Духовний ва бошқалар томонидан таъкидлаб ўтилган(2016). СРБХИ хисботига кўра, Ривожланишга қўмаклашиш қўмитаси (РКҚ)га аъзо мамлакатлар донор мамлакатлар лойиҳаларини кенгайтириш ва такрорлаш мақсадларни уйғулаштиришга тўсқинлик қиласи, шунинг учун, стратегик тақсимот ва донорларнинг ўзаро ҳамкорлиги орқали лойиҳа самарадорлигини яхшилаш мухим саналади. Шунингдек, қабул қилувчи мамлакатлар учун материал юкни ва маъмурий жавобгарликни камайтириш бўлган эҳтиёж масаласини ҳал қилиш борасида келишувга ҳам эришилган Ўзбекистонда қатор лойиҳалари ва сув бўйича ахборот тизимларини яратиш борасида тажрибага эга бўлган ШТҲА каби сув бўйича ҳалқаро ташкилотлар ва донор фондлари билан стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали лойиҳаларнинг самарадорлигини ошириш



«ÚZLIKSIZ BILIMLENDIRIW SISTEMASÍnda ARALÍQTAN OQÍTÍWDÍN INTEGRACIYASÍ»

atamasındaǵı IV Xalıqaralıq ilimiy-teoriyalıq konferenciya

мухим аҳамият қасб этади. KOICA лойиҳаларига ўхшаш лойиҳаларни амалга оширган GIZ ва UNDP ҳам KOICA лойиҳаси учрашувлари пайтида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва семинарлар ташкил этиш талаби билан чиқишиганд(КОИСА, 2020 й., 60 б.).

Бунга қўшимча тарзда, сув ресурсларига оид сўнгги 66 та лойиҳа жуғрофий нуқтаи назардан чекланган ҳамда турли донор ташкилотлар тараққий этишлари билан, келажакда ҳар бир объектдан олинадиган маълумотларни бошқариш муҳим саналади; ахборот тизимларини бирлаштириш учун ташкилотлар ўртасида ички ҳамкорликни ўрнатиш орқали қарор қабул қилиш тизимини жамлашга эҳтиёж мавжуд(КОИСА, 2020 й.).

Донорларни мувофиқлаштириш ва СХВнинг устувор тадбирлари ҳақида хабардор қилиш борасида ўзининг тобора ортиб бораётган ролини эътироф этиб, ХТРМ Сув секторидаги донорлар ишчи гуруҳининг котиби этиб белгиланди. Шу пайтга қадар ХТРМ қуидаги донор лойиҳаларни мувофиқлаштиришиб келмоқда: KOICA (Сув ресурслари бўйича ахборот тизими), ЕИ GIZ (Сув кадастри) ва ШТҲА (СРБМЛ). Бундан ташқари, СХВ KOICA ва ШТҲА лойиҳалари ўртасида яқинроқ мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш ҳамда РСХАТ Концепцияси ва Бош режасини интеграция қилиш тўғрисида маҳсус талабнома тақдим этган.

Ўзбекистоннинг сув секторида фаолият юритаётган иштирокчиларнинг доираси турли туман бўлиб қолганлиги боис, донорликка оид ахборот алмашиш ва мувофиқлаштириш соҳасида ўз обрўсини исботлаб берган ХТРМ таркибидаги донор лойиҳалар ўртасида мувофиқлаштиришни сақлаб туриш муҳим эканлиги эътироф этилмоқда. Бу лойиҳадан кутилаётган натижалар ўртасида бир хилликни вужудга келишини минимал даражага тушириш ва олинадиган натижаларнинг фойдаси ва барқарорлигини максимал даражада ошириш имконини беради. Шунингдек, ахборот тизимлари, уларнинг жорий ахволи бўйича изчил умумий маълумот ҳамда ҳуқуқий ҳужжатлар ва бажарувчиларга ҳаволалар яратилиши талаб этилади. Президентнинг 4699-сонли Қароридан олинган маълумотлар ва донорлар (ЕИ, ОТБ, KOICA, ШТҲА) томонидан ишлаб чиқилаётган ҳужжатларни ўзаро текшириб чиқиш натижасида ишга тушириш кўзда тутилган муддатлар ҳамда жавобгар идоралар каби муайян вазиятларда бир-бирига мос келмаслик мавжудлиги аниқланди. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Концепция ва KOICAning Бош режаси ҳали ишлаб чиқилаётган ҳужжатлар саналади. Ушбу топилма манфаатдор



«ÚZLIKSIZ BILIMLENDIRIW SISTEMASÍnda ARALÍQTAN OQÍTÍWDÍN INTEGRACIYASÍ»

atamasındaǵı IV Xalıqaralıq ilimiy-teoriyalıq konferenciya

томонлар ўртасида яхшироқ мувофиқлаштиришни янада тезроқ йўлга қўйишга эҳтиёж борлигини қўрсатмоқда. ҳукумат хужжатларида ҳаволалар келтирилган сув бўйича ахборот тизимларининг рўйхати **Ошибка! Источник ссылки не найден.**-иловада келтирилган. Ушбу рўйхат 2021 йилда ХТРМ томонидан нашр эттириладиган СРИБ жараёнида иштирок этувчи донор лойиҳаларнинг харитаси учун асос вазифасини ўтайди.

Концепциянинг мақсадлари сув бўйича маълумотлар ва АҚТни бошқариш билан узвий боғлиқлиги туфайли, биз Сув стратегиясини ишлаб чиқишида мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилишини тавсия этамиз. Ўзбекистоннинг сув секторига АҚТни жорий этиш борасида ҳукуматнинг яқиндан қўллаб-қувватлаёганлиги ҳамда ҳар хил иштирокчилар ахборот тизимларини ишлаб чиқишининг турли босқичида эканликлари ижобий ҳол, албатта. Сув бўйича ахборот тизимлари яратиш ва сув бўйича ахборотларни тақдим этиш борасида СХВ ва УКХВ ваколатлари бир-бирига яқиндан боғланганлигини инобатга олиб, сув секторида олиб борилаётган ислоҳотларга самарали ҳисса қўшиш учун ушбу иккита ташкилот яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим.

Ўзбекистоннинг сув секторида узоқ муддатли ва барқарор сув ресурсларини бошқариш, режалаштириш ва хизмат қўрсатиш тизимини йўлга қўшиш керак бўлса, у ҳолда сув ташкилотлари томонидан сув бўйича самарали ахборот тизимларини барпо этиш имконини берувчи сув бўйича маълумотларни бошқаришга доир мақбул амалиётлар қабул қилиниши ва амалда қўлланиши лозим.

Хулоса

Сув бўйича маълумотларни замонавий рақамли бошқариш шаклига муваффакиятли ўтиш учун, сув бўйича маълумотларнинг самарали стратегияси яратилиши ҳамда маълумотларни тарқатишига кўмак берувчи институционал тузилмалар тарғиб қилиниши лозим, айниқса, шаффоф маълумотлар ва келишилган стандартлар музокаралар учун муҳим аҳамият касб этувчи трансчегаравий сув муносабатлари борасида бунга алоҳида эҳтиёж мавжуд.

Концепциянинг мақсадлари сув бўйича маълумотлар ва АҚТни бошқариш билан узвий боғлиқлиги туфайли, биз Сув стратегиясини ишлаб чиқишида мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилишини тавсия этамиз. Ўзбекистоннинг сув секторига АҚТни жорий этиш борасида ҳукуматнинг яқиндан қўллаб-қувватлаёганлиги ҳамда ҳар хил иштирокчилар ахборот тизимларини ишлаб чиқишининг турли босқичида эканликлари ижобий ҳол, албатта. Сув бўйича



«ÚZLIKSIZ BILIMLENDIRIW SISTEMASÍnda ARALÍQTAN OQÍTÍWDÍN INTEGRACIYASÍ»

atamasındaǵı IV Xalıqaralıq ilimiy-teoriyalıq konferenciya

ахборот тизимлари яратиши ва сув бўйича ахборотларни тақдим этиш борасида СХВ ва УКХВ ваколатлари бир-бирига яқиндан боғланганлигини инобатга олиб, сув секторида олиб борилаётган ислоҳотларга самарали ҳисса қўшиш учун ушбу иккита ташкилот яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим.

Ушбу мунозара учун хужжатни тақдим этиш орқали биз Сув ресурсларини бошқариш бўйича миллий ахборот тизимини ишлаб чиқишни Сув секторини ривожлантириш бўйича Концепцияга мувофиқ амалга оширишда ҳаракатлар йўналишини кўрсатиб беришни истар эдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Suv xo’jaligini boshqarishni tashkil etishni takomillashtirish to’g’risida Vazirlar Mahkamasining 2003-yil 21-iyuldagı 320-son qaroriga
2. Qishloq va suv xo’jaliq davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida gi. 17.04.2018. PF-5418-son Farmoni.
3. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида Toshkent sh. 2018-yil 17-aprel, PQ-3672-son й
4. Milliy taraqqiyot yo’limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko’taramiz. Ш.М.Мирзиёев, Тошкент: Ўзбекистон 2017- й, 592 б.
5. Васильев О.Ф. Математическое моделирование гидравлических и гидрологических процессов в водоемах и водотоках: (обзор работ, выполненных в Сиб. отд-нии РАН) // Водные ресурсы. 1999. Т. 26. №5. С. 600-611.
6. Дэскэлеску, Н. Рациональное распределение воды в оросительной сети. М.: Колос, 1982.158 с.
7. Иваненко Ю.Г., Кадыров А.А., Пулатов А.Г. Установившееся неравномерное течение воды в открытых руслах с переменным расходом // Сб. науч. тр. /САНИИРИ. Ташкент, 1978. Вып. 157. С. 98-100.
8. Маматов С.А., Ибрагимов Ф.И., Акбарова К.Х. Кичик дарё ҳавзасида сув билан таъминланганликни ошириш. —Мелиорация, атроф-мухит экологиясини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни такомиллаштириш масалалари: Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2012 й. 48-51 б.
9. Маматов С.А., Нарзиев Ж.Ж., Fafforova M.Ф. Тоғолди кичик дарёлари ҳавзаларида сув етказиб бериш ва сувдан фойдаланишнинг амалдаги ҳолатларини баҳолаш // Илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. ТИҶХММИ. Тошкент - 2018 й.
10. ВОМ, 2017 й., 14–15 б.
11. Aither, 2020 йй., 46-47 бетлар